

МАЛАКА ОШИРИШ

■ Энг муҳими, нафақат фаолиятимизга оид қонунчилик чуқур ўргандик, балки амалиётда янги усулларни, замонавий технологияларни қўллаш бўйича малака оширяпмиз.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА

сиёсий партиялар тизимидаги кадрлар ўқитилмоқда

■ Жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ташкилотлари масъул ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқаруви бўлимидаги бир ойлик ўқув-машғулотлари ташкил этилгани ҳақида хабар берган эдик. Партиялар фаолияти самарадорлиги, кадрлар малакаси, иш тажрибасини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мазкур ўқув-машғулотларнинг 3-гурух тингловчилари дарс машғулотларини давом эттирмоқда.



Санжар ШОТЛУЛАГАНОВ олган сурат.

Уларга парламент аъзолари, нуфузли олий таълим муассасалари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтларининг мутахассислари мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари, демократик янгиликларнинг шароитида фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиш истикболлари, сиёсий партияларда менежмент асослари, сиёсий партияларнинг замонавий ташкилий тузилиши каби қатор долзарб мавзулар бўйича сабоқ бермоқда.

Фракцияси аъзоси Рустам Комилов. — Бугун сиёсий партиялар тизимида ишлаётган ёш кадрларда сиёсий соҳага қизиқиш юқори. Бунинг уларнинг бир-бири билан мулоқотга киришиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларда баҳс-мунозара юриши, фикрини эркин баён этишида кўп қулатдим. Бундай ижтимоий-сиёсий фаол-

ислохотлар тобора изчил тус олишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

— Партия вакили, депутат сифатида одамлар билан мулоқотга киришимизда бир нарсага кўп амин бўламан. Бугун фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, маданияти юксалган, фуқаролик масъулияти ва позицияси тобора мустаҳкамланган, — дейди **ЎзХДП Наманган туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Умид Солиев.** — Демак, бундай демократик шароитда қайси сиёсий партиянинг етакчилари, фаоллари фидойи, ташкилотчи, билимли бўлса, ўша партиянинг таъсир кучи, обрўси ошади, амалий ишлар қўядаи.

Бундай демократик шароитда қайси сиёсий партиянинг етакчилари, фаоллари фидойи, ташкилотчи, билимли бўлса, ўша партиянинг таъсир кучи, обрўси ошади, амалий ишлар қўядаи.

лик жамиятда қонун устуворлиги кучайтириш, демократик

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИДА

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

этилди, жорий йил режалари белгилаб олинди

Унда Парламент комиссияси аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ННТ асосациялари ва бирлашмалари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2015 йил фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ва 2016 йилда Жамоат фондини ривожлантириш ва фаолияти дастури, жорий йилда Жамоат фонди маблағларини тақсимлашнинг асосий йўналишлари, Парламент комиссиясининг бу йилги иш режаси кўриб чикилди.

Шунингдек, жорий йилда давлат ижтимоий буюртмаларини бериш ҳамда Давлат гранти биринчи ва иккинчи танловларини эълон қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ҳузуридаги ижтимоий шериқлик бўйича жамоат комиссияларининг 2015 йил иш якуналари тўғрисида ва Жамоат комиссияларининг 2016 йилдаги фаолиятининг намунавий режасини тасдиқлаш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун битта ҳамда давлат грантларини ажратиш учун 6 танлов ўтказилди.

Хусусан, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТни кенг жалб қилиш мавзусидаги танловга 210 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 239 лойиҳа тақдим этилиб, 75 лойиҳа 1 миллиард 100 млн. сўм маблағ билан таъминланди.

«Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил оммавий ахборот воситаларида ёритишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусидаги 2 танловга 88 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 105 лойиҳа тақдим этилиб, 60 лойиҳа 900 миллион сўмга молиялаштирилди.

Лойиҳаларни амалга ошириш даврида 4200 дан ортиқ тадбир — семинар, давра суҳбатлари, учрашувлар, маҳорат дарслари, анжуманлар ўтказилди. Давлат ижтимоий буюртмаси танловларига 25 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 55 лойиҳа тақдим этилиб, танлов асосида учта йўналишда 15 лойиҳага давлат ижтимоий буюртмалари шаклида 2 миллиард сўм ажратилди.

Жорий йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. Умумий маблағнинг 47,5 фоизи йил давомида 6 асосий мавзуда ва 62 дан ортиқ устувор йўналишда давлат грантлари ҳамда давлат органларининг буюртмаларидан келиб чиқиб, 21 фоизи давлат ижтимоий буюртмалари шаклида қўллаб-қувватланади.

Гулрух ОДАШБОВА

СЎЗ — ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИГА

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ

қанча фаол бўлса, электрат манфаатлари шунча самарали ҳимоя этилади, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси изчил таъминланади

■ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутати — қонуний ваколатларга эга, катта ишонч ва ҳурматга сазовор бўлган масъулиятли шахс. У ўзи яшаётган ва ишлаётган ҳудуднинг паст-баландлиги яхши билади. Шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароити, уларни ўйлантираётган муаммолардан оқим хабардор бўлади. Бу эса депутат долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиши, партия гуруҳи, доимий комиссияларга тақдим қилиш, депутатлик сўрови юборишида муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида кўриб чиқилган масалалар ана шу жараёнлар асосида шаклланади.

Туманимиз ўзига хос шароитга эга бўлиб, тоғли ва тоғолди ҳудудда жойлашган. 130 мингдан зиёд аҳолиси, 80га яқин катта-кичик қишлоқлари бор. Табиийки, шароит ва қулайликлар бир хил эмас. Ҳозирда аҳоли пунктларида юқумли касалликлар олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўтган йили халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзоси Баҳриддин Муродов шу масалани ўрганиб чиқиш бўйича тақдим қилди. Туман партия кенгаши билан биргаликда ишчи гуруҳи тuzдик. Гуруҳ аъзолари 8 қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатадиган қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Ўрганиш натижалари, дастлабки ҳулосалар аввал партия гуруҳимизда кўриб чиқилди. Йиғилишда масалани тегишли доимий комиссия муҳокама-сига қўйишга келишиб олдид.

Доимий комиссия йиғилишида эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини

янада яхшилаш билан боғлиқ омиллар кўриб чиқилди, масалани сессия кун тартибига кириштириш юзасидан тавсия берилди. Шу асосда «Кексаларни эъзозлаш

ланган 16 нафар депутатнинг кўпчилиги масъулият билан ишлашга ҳаракат қиляпти. Улар орасида Гулжаҳон Пардаева, Шароф Очилов каби ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам таллабчан, қатъиятли, ташаббускор депутатлар бор. Депутатларимиз ташаббуси ва тақлифи билан ўтган йили 2 масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида, 4 масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Жамоатчилик қабулхонасига электрат вакиллари билан тушган 42 мурожаатни ҳал этиш юзасидан депутатлик нозорати кўнгилдагидек йўлга қўйилмапти.

Депутатларимиз ташаббуси ва тақлифи билан ўтган йили 2 масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида, 4 масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди.

Шулардан келиб чиқиб, янги йилда янги вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан, сайловчилар билан тез-тез учрашиш, электрат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган қатор масалаларни чуқур ўрганиб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокама-сига кириштириш режалаштирганмиз.

Мен бир нарсани тушуниб етдим. Депутат одамларнинг ишончини оқлаш учун, ўзи яшаётган ҳудудни ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилиши керак экан.

Бахтиёр ОМОНОВ, халқ депутатлари Бахмал туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Навоий Асарлари

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади

Сўзга чиққанлар Навоий ижодида ватанпарварлик, инсон шайни ва кадр-қиммати мавзулари тўғрисида сўз юритишди. Хусусан, бугунги глобаллашув замонида, ёшлар тарбиясига турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир шароитда Навоий асарларини ўқиш, ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

— Улуғ мутафаккир Навоий ёмонлик қилувчилардан бўлма, зулм қилма, халқингни севиб, ватан гардини кўзингга сур, дея даъват қилган, — деди адабиётшунос олим **Омонullo Мадаев.** — Унинг асарларидаги эзгу гоилар фарзандларимизни ватанпарварлик, юртга садоқат, ўтмишга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга Навоий нафақат адабиёт, балки астрономия, фалсафа, математика, иқтисод, сиёсат ва яна қатор соҳаларнинг ҳам билимдони бўлган. Муҳими, Навоий асарлари инсонни яхшиликка, тинч-тотув яшашга, меҳроқибатли бўлишга ўргатади.

Тадбирда **ЎзХДП Марказий кенгаши сектор мудири Умарбек Бектемиров, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева** «Еш сиёсатчилар» клуби фаолиятини янада кучайтириш, ёшларда ёшларга қарши кучли имунитетни шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тадбирларни кўпайтириш тўғрисида тақлифлар билдиришди.

Анқуманда Навоий газалларидан намуналар ўқилди. Унинг асарлари дунёнинг қўллаб мамлакатларида чоп этилган, Навоий дунё тан олган шoir экани ва бу бизга фахр-ифтихор бағишлаш тўғрисида фикрлар билдирилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда»

ЎзХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Қуйи бўгин фаолиятини кучайтиришга бағишланди

Наманган вилоятида Ўзбекистон ХДПнинг 748 бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Вилот партия кенгаши қуйи бўгининг фаолиятини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида, хайрихоҳлар, тарафдорлар кўпаймоқда, электрат муаммолари чуқур ўрганилмоқда, партиянинг аҳоли орасидаги обрўи юксалиб бормоқда.

Яқинда Наманган халқро аэропортидаги бошланғич партия ташкилотидан ўтган йиғилишда қуйи бўгин фаолиятини кучайтириш масалаларини фикр алмашиди, тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Наманган халқро аэропорти директори, халқ депутатлари вилот Кенгаши депутати **Шухратжон Аскарлов** партиянинг дастурий мақсад-вазифалари, уни самарали амалга оширишда бошланғич партия ташкилотининг ўрни ва роли ҳусусида сўз юритди.

Бугун сафимиздаги 15 нафар ЎзХДП аъзоси партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқда, — деди **БПТ раиси Фарид Якубовна.** — Партиядошларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда бугунгидаги семинар-тренингларнинг аҳамияти катта бўляпти. Уларда нафақат таърибга ўрганилмиш, балки партия фаолиятини кучайтириш бўйича ўз тақлифларини билан иштирок этилди. Хусусан, бошланғич партия ташкилотларини зарур ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш масалаларида мулоқазалар билдирилмоқда.

Тадбир сўнггида 4 нафар ходимга партия аъзолари гувоҳнома-си топширилди.

Ойбек БАДУРАҲИМОВ, ЎзХДП Наманган вилот кенгаши БПТ билан ишлаш сектори мудири.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Денов туманида 35 қишлоқ врачлик пункти, 5 поликлиника, 9 шифохона хизмат кўрсатмоқда. Улар 1 миллиард сўмдан ортиқ тиббий анжуман билан таъминланди.

Шифохонанинг янги биноси фойдаланишга топширилди

Ўтган йили марказий шифохонанинг 60 ўринли юқумли касалликлар бўлими ва мурувват уйининг 100 ўринга мўлжалланган ётоқхонаси қурилган бўлса, сил касалликлари диспансери реконструкция қилиниб, жорий йил бошида фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 226 миллион сўм бўлган кўркам иншоотни бунёд этишда «Ҳилола-Б» кўп тармоқли ҳусусий корхонаси қурувчилари астойдил меҳнат қилишди.

Замонавий муассасанинг очилишга бағишланган тантанادا сўз олганлар халқ саломатлиги йўлида амалга оширилётган бундай улкан ишлар ўз самарасини беришини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йил кўриниш касб этди. Жаҳон таллабларига жавоб берадиган тиббий жиҳоз ва мебеллар келтирилди. Бундан ниҳоятда хурсандимиз, — дейди **диспансер бош шифоқори Қурбонли Назаров.**

— Шундан 3 таси бевосита соғлиқни сақлаш тизимига тааллуқлидир. Бу нафақат электрат манфаатлари ҳимоясида, шу билан бирга, янги иш ўринлари ярати-лишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ҚИТЪА ШАРҲИ

■ Агар кимнинг ким пиру устози, раҳбари, истеъдоду ва тавфиқи бўлмас экан, бу иш, яъни, ҳақ йўлига кириш осон бўлмайди.

«ИСТАСАНГ СОҲИЛГА ЧЕКМАК, БИЛКИ, БУ ОСОН ЭМАС»

Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариётни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам.

Ислом КАРИМОВ



ҳисси қолади деб уқтиради шоир.

Бу қитъада сўз маънолари гоёт ранг-баранг. **Тан тахта-си** бирикмасини изоҳлайдиган бўлсак, биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида бундай сўз бирикмаси қўлланилмайди. Иккинчидан, **тан** сўзи билан **тахта** сўзининг орасида маънодошлик хусусияти йўқ. Лекин шоир тани тахтага ўхшатиб, таंगा ишлов берилмасе, у тахтага ўхшаб самарасиз бўлади, деган гоани илгари суради. Демак, бу шоирнинг сўз қўллашдаги ихтироси. Яна Алишер Навоий тахтадан ясалган кема гирдобга учраса, парча-парча бўлиб кетишини, агар бу тагнага қибсанса, инсонни бу ҳолатдан қутқариш учун маърифат ва маънавият булогидан баҳраманд этиш лозимлигини таъкидлайди.

Гирдоб — сўзининг бош маъноси тўлқин натижасида ҳосил бўлган ўпқон, аммо мавжуд ҳаёт замондаги барча яхшии ёмонликлар, иллатлар, ҳаёт кирдиқорлари каби маънолар ҳам бу сўздан англашилади. Соҳил деганда биз қирғоқни тушунамиз, аммо бу ўринда ёмонлик билан яхшилик, тубанлик билан ёруғлик, фиску-фужур билан дибнат, баднафслик билан нафсни саломат тутишлик каби инсоний — ахлоқий тушунчалар орасидаги чегараларни англаш мумкин. Пир, истеъдод, тавфиқ ва ҳасрат каби сўзлар кўп маъноли бўлиб, улар қитъанинг мақсадини умумлаштиради. Алишер Навоий орзусидаги қомил инсон образини гавдалантиради.

Дарҳақиқат, инсон бу дунё ноз-неъматларини ўз қонунқоидаси асосида ақл ва тафаккур, одоб ва ахлоқ билан сарф этса, Яратганга шукр қилса, шунда икки олами обод, мукамал бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида қуйланган орзу-истакларнинг рўёбга чиқиши бутун инсониятни камолот сари етаклайди.

Исҳоқхон НОСИРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

БОЛАЛАР СПОРТИ

■ Диясбек спортга қатнаш-ни бошлади-ю жисмоний ҳолати ва руҳияти ўзгарди. Онаси Азима опа ўғлининг ҳар томонлама соғлом улғаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётгани, ўзига ишончи ортганини кўриб севилади.

ТАНИ СОҒЛОМ, ФИКРИ ТИНИҚ, БОЛАЛАР

— Ўғилларим — Элмурод бокс, Диясбек эркин кураш билан мунтазам шугулланади, — дейди Азима опа. — Боланинг спорт билан шугулланиши ҳар томонлама фойдали. Спортга қатнаган бола жисмонан соғлом, бақувват, айна пайтда мустақил фикрлайдиган, интилувчан, тартиб-интизомли бўлади, турли салбий иллатлардан йироқ юради. Бугунги кунда ўғил-қизларимиз учун улкан имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган, улар бундан унумли фойдаланиши зарур.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг футбол, бокс, эркин кураш, дзюдо ва бадий гимнастика секцияларида 480 дан ортиқ ўғил-қиз мунтазам шугулланмоқда. Қизларни спортга жалб этишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Мактабда футбол майдони, спорт зали, тренажёр зали, шунингдек, тиббиёт, ювенил ва кийим алмаштириш хоналари болалар ихтиёрида. Болаларни спорт турларида жалб этишда аввало уларнинг ёши, қизиқиши, саломаатликлари ва қобилиятига эътибор қаратилмоқда.

Мактабнинг эркин кураш секциясида саксонга яқин бола малакали мураббийлар кўл остида спорт сирларини пухта эгалламоқда. Улар шахар ва мамлакат биринчиликларида, халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб келаётгани бу ерда иқтидорли ёшларни тарбиялашга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

...Машгулотлар тугади. Азима опа ўғлининг машқларида чاقқон ва дадил бажаришини кўриб қувонади. Диясбек ўз таассуротларини онасига айтишга шошилади:

— Мураббийимиз агар машқларни шундай бажаришда давом этсам, яқинда мусобақага чиқишимни айтиди, — дейди у фахрли равишда. — Келажда мен ҳам жаҳон чемпиони бўламан!

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Банкнинг молиявий барқарорлигини мустақамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг буш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш борасида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, аҳолининг банкдаги омонатлари шартларини либераллаштириш ва уларнинг кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, бу ерда кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ёш мутахассисларда касб қўнималарини шакллантириш изчил йўлга қўйилган.

Банкдан олинган маълумотга кўра, бугунги кунда акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиалида 1 минибанк, 2 жамғарма кассаси, 2 махсус касса, «Western union», «Leader», «Мигом», «Золотая Корона», «Контакт», «Анелик», «Юнистрим», «Blizko», «Money Gram» каби қатор халқаро пул ўтказмалари ҳамда 1 валютно айирбошлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, улар ҳамisha мижозлар билан гавжум. Шунданми, филиал жамоаси «Bank Expo — 2015» кўрик танлови миқтақавий филиаллар орасида қолибқолган кўлга киритди.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали жамоаси ҳар бир мижозга намунали хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, шу йўл билан аҳоли фаровонлигини таъминлашга интиломоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АЛОҚАБАНК

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

МОЛИЯВИЙ МАДАД — ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



■ Бу акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали фаолияти мисолида ҳам яққол намоян бўлмоқда.

Филиал томонидан, айниқса, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни ривожлантириш, мижозларга турли банк хизматлари кўрсатиш, уларга янгидан-янги омонат турларини тақлиф этиш, аҳолининг буш пул маблағларини омонатларга жалб этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг молиявий мадади билан сановат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзига хос ютуқларга эришиляпти.

Биргина мисол. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига банк мижозлари сони жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 614 тага етди. Пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони эса 27 минг 539 тадан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4098 тага кўпдир.

Ўтган 2015 йилда банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 53773,8 миллион сўм миқдоридан

кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 26445,3 миллион сўми тўғрисида тўғри кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг кенгайтириш ҳисобига 375 янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, халқимиз фаровонлигини оширишга ва янги иш ўринлари ташкил этишга бел болаган мижозлар сони тораб кўпайиб бормоқда.

Вилоятнинг Пайарик тумани ҳудудида жойлашган «Гуллар султони Сабрина» масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда ташкил этилган. Жамият аъзолари айна дамларда чорва моллари бош сонини кўпайтириш, қолаверса, сутни қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланиб келаётди. Корхона акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиалидан 95 миллион сўм кредит олиб, ўз талбиркорлик фаолиятини ривожлантирди. Бундан ташқари, банкдан олинган ушбу кредит ҳисобига 50 бош қорамол

сотиб олиш режалаштирилмоқда.

— Бугунги кунда биз йилга 120-130 миллион сўмликдан зиёд сўт маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Гулшод Собирова. — Олинган кредит ҳисобига эса қўшимча иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик субъектларига бир қанча кредитлар ажратилди.

Яна бир гап. Айни дамларда

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига банк мижозлари сони жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 614 тага етди. Пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони эса 27 минг 539 тадан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4098 тага кўпдир.



Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги индекси бўйича жаҳонда 64-ўринда

АҚШнинг нуфузли The Economist Intelligence Unit таҳлил агентлиги томонидан тадқиқот ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги рейтингида 64-ўринни банд қилди. Мутахассислар дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, хавфсизлиги, етарлилик даражаси ва оммавийлигини ўрганиб, баҳо бердилар.

Агентлик сайтида эълон қилинган маълумотга кўра, Ўзбекистон «етарлилик даражаси» бўйича энг кўп балл олган.

Берилган маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари шунчалик кўпки, ҳар бир фуқаро кунига 39 килокалориядан истеъмол қилиши мумкин.

Ўз навбатида хавфсизлик бўйича 88,5 балл билан рўйхатнинг 83-поғонаси банд этилди. Оммавийлик мезони бўйича эса 57-ўрин эгалланди.

Тошкент автобуслари Wi-Fi тармоғига уланимоқда

«Тошкент» вокзалидан «ТТЗ» бозорига қатновчи 14-йўналиш автобусида Wi-Fi (бепул интернет) тармоғи ишлатилмоқда. «Тошшаҳар трансхизмат» компаниясининг матбуот хизмати маълум қилишича, яқин кунларда 51 ва 28-йўналиш автобуслари ҳам Wi-Fi билан таъминланади.

Ушбу хизмат йўлга қўйилганлиги ҳақида ҳар бир автобусга махсус эълон жойлаштирилди. Унда мазкур автобусда Wi-Fi борлиги ҳақида ахборот берилди. Йўловчилар ўз мобил қурилмалари ёрдамида тармоққа мутлақо бепул уланишлари мумкин.

Компания жамоат транспортларида 4G LTE технологиялари асосида янги интернет хизматларини ҳам тақдим этишни режалаштирган.

MUASSIS:
Bosh muharrir: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir boshchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 23-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
•Sharh nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6